

**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини  
таъминлаш соҳасида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Соҳага халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг инвестицияларини жалб этилиши бўйича муайян тадбирлар амалга оширилди. Натижада, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига эришилмоқда.

Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкнинг **165 млн АҚШ доллари** маблағларини йўналтириш бўйича қарз битимлари имзоланди.

Санитария-эпидемиология қўмитаси ташкилий тузилмасидаги **46 та** муассасаларда қиймати **75 млн. АҚШ долларига** тенг бўлган халқаро моделга асосланган лаборатория мажмуаларида қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилади, қиймати **62,4 млн. АҚШ долларига** тенг бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланади, **2 минг нафардан** ортик кадрлар қайта тайёргарликдан ўтказилади. Лойиҳа доирасида тизимга ахборот коммуникация технологиялари кенг тадбиқ этилади.

Санитария-эпидемиология қўмитаси қошида **Миллий референс лабораторияси** ишга туширилди ва республикамизда биринчи мартаба озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида **халқаро аккредитациядан** ўтказилди. Бу лабораторияда ўтказилган таҳлиллар дунёнинг **100 дан ортик** ривожланган давлатларида тан олинади, маҳсулотлар экспортида ижобий таъсирини кўрсатади. Халқаро аккредитация талабларига жавоб берадиган лабораториялар сонини йилдан-йилга ошириб борамиз ва 2025 йил якунигача **30 тага** етказамиз.

**Худудларда санитария-эпидемиология соҳасида врачлар таъминоти**

Бухоро вилоятида – **25,1 фоиз**, Навоийда – **28,7 фоиз**, Жиззахда – **47,0 фоиз**, Сирдарёда – **38,4 фоиз**, Тошкент вилояти – **25,6 фоиз** ва Самарқанд вилоятида – **21,2 фоиз**, республика бўйича ўртача **20,7 фоиз** санитария ва эпидемиология врачлари етишмайди.

Бу йўналиш бўйича ўтказилган “Очиқ мулоқот”да вазифалар белгиланган эди. Чекка худудларда ишламоқчи бўлган врачларга **30 млн сўм** пул маблағлари ажратилиши белгиланиб, ушбу мақсадга жорий йил бюджетдан **20 млрд сўм** ажратилди. Бундан ташқари янги битириб ишга келган мутахассисларга дастлабки йилида **1 млн сўмдан**, иккинчи йилида **750 минг сўмдан** ҳар ойига ойлик қўшимчалари бериш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда **500 дан** ортик санитария-эпидемиология врачларига эҳтиёж бўлсада, тиббиёт олийгоҳларининг профилактик тиббиёт соҳаси

битирувчиларининг аксарияти бошқа соҳаларга ўтиб кетмоқдалар. Натижада жойларда врачлар ишини ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари бажаришга мажбур бўлмоқдалар.

Юзага келган вазиятни киска муддатларда бартараф этиш мақсадида, истисно тариқасида тиббий-профилактика соҳасида ўрта махсус тиббий маълумотга эга бўлган, 5 йилгача меҳнат стажига эга бўлган ходимлар орасидан иқтидорлиларини танлаб олиш ва олий тиббий ўқув юртларига имтиёзли равишда (имтиҳонсиз), ўқишни битиргандан кейин аввал ишлаган туман (шаҳар) муассасаларига қайтиб камида 5 йил ишлаш шarti билан тиббий-профилактика йўналишидаги олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш бўйича таклиф тайёрланса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Худудий ҳокимликлар ўз худудига зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратишса** бу ҳам манзилли тадбир бўлади. Масалан, ушбу грант асосида ўқиган врач, грант ажратган вилоятга бориб камида **беш йил ишлаб бериш мажбуриятини** олиши зарур.

### **ОИТС (СПИД) касаллиги профилактикаси**

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишини элиминация қилиш ва **ЖССТнинг** бу борадаги **сертификатини** олишни мақсад қилиб олинган.

Бугунги кунда, республикада **50 192 нафар** шахс ОИВ инфекцияси билан яшамокда.

Рўйхатга олинган ҳолатлардан **77,0 %** жинсий йўл, **11,0 %** парентерал йўл, **0,8 %** вертикал йўли орқали юқганлиги аниқланди.

Ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекциясини барвақт аниқлаш ва касалликни онадан болага ўтишининг олдини олиш мақсадида, ОИВ инфекцияли оналардан туғилган олти ойликкача бўлган болаларни қурук сут аралашмаси билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган тадбирлар туфайли ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам беришга ва ОИВ бўйича эпидемик вазиятни барқарорлаштиришга эришилмоқда.

Бугун биз юқорида қайд этилган масалаларни атрофлича муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилишимиз, бу борада масъулиятимизни оширишимиз зарур бўлади.

Қайд этилганидек, жамиятимизнинг барча соҳаларининг биргаликда ОИВ инфекциясини тарқалишини олдини олиш тадбирларига жалб қилиш орқали республика аҳолисининг ушбу касаллик билан касалланиш даражасини кескин камайтириш мумкин бўлади.

**2027 йилга қадар “ОИВ инфекциясининг онадан болага юқиши элиминация қилинганлиги”** бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификатига эга бўлиш чораларини кўрамиз.

Шу мақсадда, келгуси 3 йилда БМТнинг ОИВ инфекцияси эпидемиясига барҳам беришни назарда тутувчи **“95-95-95”** стратегияси индикаторларига эришиш чораларини кўрмоқдамиз.

**Вирусли гепатит касаллиги узоқ йиллар давомида Ўрта Осиё мамлакатларининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб келган**

Мамлакатимизда қайд этилаётган юқумли касалликлар орасида вирусли гепатитлар етакчи ўринни эгаллайди ва унинг салмоғи барча юқумли касалликларга нисбатан **30,0 %ни** ташкил этади.

Вирусли гепатит касалликлари бўйича мураккаб эпидемик вазият **Наманган, Самарқанд ва Сирдарё** вилоятларида сақланиб турибди, бу ҳудудларда вирусли гепатит билан касалланиш даражаси ҳар йили республикадаги ўртача кўсаткичдан **1,5-2,5 баробарга** юқори бўлиб қолмоқда.

Энг ачинарлиси вирусли гепатитнинг **“В”** ва **“С”** турлари билан касалланиб диспансер ҳисобида турган аҳолимизнинг сони ҳали юқориликча сақланиб турибди. Айниқса мазкур касалликнинг **жигар циррози, жигар саратони** каби асоратларининг мавжудлиги муаммони янада жиддийлаштиради.

Шу муносабат билан ва вирусли гепатитнинг С турини тўлиқ даволаш имконияти мавжудлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида келгуси беш йилга йўналтирилган **“Вирусли гепатит С нинг элиминация қилиниши”**ни назарда тутувчи, Давлат дастурини изчил амалга оширамиз. Жумладан:

Аҳоли орасида вирусли гепатитнинг **“В”** ва **“С”** турини эрта аниқлаш мақсадида бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларини жалб қилган ҳолда скрининг текширувларини ўтказишни 2025 йилда **2,0 минг** ва 2026 йил **2,5 минг** нафарга етказилади.

Скрининг натижасида аниқланган вирусли гепатит **“С”** турини вирусга қарши терапия билан камраб олишни 2025 йилда **60 минг** ва 2026 йил **80 минг** нафарга етказилади.

Вирусли гепатит **“В”** тури юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳларда эмлаш кўрсаткичини 2025 йилда **250 минг** ва 2026 йил **300 минг** нафарга етказилади.

**Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги ҳаракатлар, тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш, соҳани рақамлаштириш**

Европа ва Жаҳон савдо ташкилотлари ҳамда халқаро талаблардан келиб чиқиб, таълим, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа долзарб соҳалар бўйича **60 га яқин** санитария қоида ва меъёрлари **янги таҳрирда қабул қилинди** ва **халқаро андозаларга мослаштирилди**.

**Йил якунигача халқаро андозаларга мослаштирилган санитария қоида ва меъёрлари сонини 75 тага** етказилади.

**Тадбиркорлик субъектларига Қўмита томонидан соҳага оид 32 турдаги рухсатнома ва хулосалар берилади.** Бугунги кунда рухсатномаларнинг **22 таси (69 %)** давлат хизматларига ўтказилган, 2025 йил якунигача яна **2 таси** ўтказилади.

Хавфни таҳлил қилиш дастурини ишга тушириш орқали **15 310 та** объектлар тоифаларга ажратилди. Авваллари тадбиркорлик субъектларини текшириш орқали назорат амалга оширилган бўлса, эндиликда профилактик тадбирларни амалга ошириш орқали, санитария қоида ва меъёрлари талабларига риоя этилиши ўргатиб борилмоқда.

Хавфни таҳлил қилиш, юқумли касалликларнинг электрон мониторинги ва вакциналар логистикаси электрон дастурларидан самарали фойдаланилади.

“Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Тадбиркорлик субъектларига белги бериш” тўғрисида Президент қарорини қабул қилиниши бўйича ишларни жадаллаштиради.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган **1788 та экспортёр корхоналар** фаолияти ўрганилади, мавжуд муаммоларни аниқланиб, уларга соҳа йўналишларидан келиб чиқиб, мунтазам амалий ёрдам кўрсатиб борилади.

“**Маҳаллабай**” ишлаш тизими доирасида республика бўйича **3,4 минг та** маҳаллалардаги хонадонлар ўрганилиб, аҳолини орасталикка ундаш, юқумли касалликлардан сақланиш ва гигиеник кўникмаларни шакллантириш тадбирлари давом эттирилади.

Қашқадарё вилоятининг **Чирокчи туманини Гулобод, Халқобод, Кўкдала туманининг Пахталисой ва Яккабоғ туманининг Наврўз маҳаллаларида “Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастури доирасида амалий ҳаракатларни исчил давом эттириб, маҳалладаги мавжуд ресурслар ҳамда драйверларни ишга туширилади, амалга оширилаётган ишларни жойида муҳокама қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида, **ҳар ойда 2 маротаба** тегишли ҳудудга хизмат сафарларини ташкил этилади.

